

Амирлашкар Тошкандга келди. Шодмонхўжани ўлдирди. Нормухаммад додхохни волийи Тошканд килди. Давлат тожук деган кишини Туркистонга хокум килиб юборди. Ўзи Хўкандга кайтди. Мазкур Давлат тожук Туркистонга келиши илан атрофдаги элатияни горат килиб, талон-тарож этиб чопди. Бу бадфеъл шумлигидин жамъи Козокия Русияга тобеъ бўлди, келмакни хохлади ва оз муддатда Русия Туркистонга кирди. Бу тўғрида хазрати Султонул-орибийн Хожа Ахмад Яссавий Туркистонга айтган башоратлари тўғри келди. Мундин саккиз юз йиллар илгари айтгон эканлар: «Минг икки юз саксон бирда ўрис келгай, Туркистонни атрофини камсаб олгай». Мунга мувофик, 1281 хижрийда Туркистон ва Авлиёота Русия тасарруфига ўтти.

(Ибрат, «Фаргона тарихи», Тошкент, 1991 йил).